# Qishloq hayoti

**2013 йил — Обод турмуш йили**

Қишлоқ ҳаёти

*O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi* www.qishloqhayoti.uz 2013-YIL 23-MAY, PAYSHANBA, 63 (8144)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.


## ЮРТИМИЗДА ЎТАЁТГАН «КИТОБ БАЙРАМЛАРИ» ЮКСАК МАЪНАВИЯТИМИЗ ТИМСОЛИДИР




Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат.

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 22 май куни Оқсаройда расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Ҳиндистон Республикаси Вице-президенти Ҳамид Ансорийни қабул қилди.*

Давлатимиз раҳбари мунтазам равишдаги Ўзбекистон-Ҳиндистон сиёсий мулоқоти томонларни қизиқтирган барча йўналишлар бўйича икки ва кўп томонлама ҳамкорликни изчил ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида парламентлараро алоқалар, савдо-иқтисодий, сармоявий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашувда икки мамлакатнинг давлат тузилмалари ва ишбилармон доиралари ўзаро товарлар етказиб бериш ва хизмат кўрсатишни янада фаоллаштириш ва диверсификация қилишдан, иқтисодиётнинг ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, фармацевтика ва биотехнологиялар, енгил ва кимё саноати, шунингдек, углеводород хомашёси конларини ўрганиш ва ўзлаштириш каби юқори технологияли тармоқларида ўзаро фойдали қўшма ишлаб чиқариш объектларини барпо этишдан манфаатдор экани қайд қилинди.

2012 йил якунига кўра икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми аввалги даврдаги кўрсаткичга нисбатан анча юксалиб, 201 миллион АҚШ долларидан ошган.

Асосий минтақавий ва глобал масалалар ечимига ёндашувларнинг ўхшаш ва яқинлиги томонларнинг халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлигида муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Афғонистон муаммоси юзасидан фикр алмашув чоғида ушбу жафокаш мамлакатда вазиятнинг барқарорлаштирилиши минтақамиз халқлари манфаатларига мос келиши ҳамда Марказий ва Жанубий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш учун янги имкониятлар яратиши таъкидланди.

Томонлар Ўзбекистон-Ҳиндистон стратегик шериклигига доир бошқа масалаларни ҳам муҳокама қилдилар.

Ҳамид Ансорий самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, Ҳиндистон раҳбарияти Президент Ислом Каримовнинг 2011 йил май ойида Деҳлига давлат ташрифи асносида эришилган принципиал келишувлар руҳида Ўзбекистон билан узоқ муддатли ва кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш тарафдори эканини қайд этди.

**ЎзА**

**Мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Ҳиндистон Республикаси Вице-президенти Ҳамид Ансорий 22 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Илгизар Собиров, Қонунчилик палатаси Спикери Дилором Тошмуҳамедова билан учрашди.**

# ҲИНДИСТОН ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Учрашувларда Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги муносабатлар анъанавий дўстлик ва ўзаро манфаатдорлик тамойиллари асосида изчил ривожланаётгани, бунда давлатларимиз раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг май ойида Ҳиндистон Республикасига давлат ташрифи ўзаро муносабатларни стратегик шериклик даражасига кўтаришда муҳим омил бўлди.

Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик, сармояларни ҳимоялаш ва рағбатлантириш, икки томонлама солиқдан қочишга оид битимлар амал қилади. Ўзаро савдода энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Мамлакатимизда ҳинд сармоядорлари иштирокида тузилган 62 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Мазкур мамлакатнинг 18 фирма ва компанияси юртимизда ўз ваколатхонасини очган. Улар асосан тўқимачилик, озиқ-овқат саноати, фармацевтика, сайёҳлик, қишлоқ хўжалиги, савдо ва хизмат кўрсатиш каби соҳаларга ихтисослашган.

Музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги ҳамкорликнинг турли йўналишларига оид масалалар юзасидан фикр алмашилди. Икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашда парламентлараро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

– Ўзбек ва ҳинд халқлари ўртасидаги ҳамкорлик узоқ даврларга бориб тақалади, – деди Ҳамид Ансорий. – Ўзбекистон-Ҳиндистон ҳамкорлик алоқалари кўплаб соҳаларда жадал ривожланаётгани бизни ғоят қувонтиради. Дўстлик ва ўзаро манфаатдорлик тамойилларига асосланган алоқаларимизни янада мустаҳкамлаш тарафдоримиз.

Ҳиндистон делегацияси аъзолари шу куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида ҳам музокара ўтказди.

Ҳиндистон Республикаси Вице-президенти Ҳамид Ансорий Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди. Темурийлар тарихи давлат музейида бўлиб, Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатларни кўздан кечирди, Ҳазрати Имом мажмуасини зиёрат қилди.

**Мадина УМАРОВА,**
**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбирлари.**

# ЭНДОКРИНОЛОГИЯ: КЕЧА, БУГУН ВА ЭРТАГА

**Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан шу мавзуда матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

Тадбирда мамлакатимизда ихтисослаштирилган шифо масканлари фаолияти давр талабига мос такомиллаштирилаётгани тиббий хизмат сифатини янада ошириш имконини бераётганлиги таъкидлаб ўтилди. Жумладан, эндокринология йўналишида изчил тиббий ёрдам кўрсатиш алоҳида ўрин тутади, чунки эндокрин касалликлар кўп ҳолларда сурункали кечиб, ўлим ва ногиронлик каби оғир асоратларга сабаб бўлади.

Президентимизнинг 2007 йил 19 сентябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида”ги Фармони эндокринология йўналишидаги тиббий хизмат муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳа мутахассисларининг малакасини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Республикамизда қандли диабет беморларига даволаш-ташхис ёрдамини кўрсатиш учун 14 та эндокринологик диспансер фаолият кўрсатмоқда. Жойларда 505 та, шулардан 176 таси болалар эндокринологик кабинетлари иш олиб бормоқда. Эндокринология институти базасида Республика ихтисослаштирилган Эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ташкил этилди.

Марказнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга давлат томонидан 2,5 миллиард сўм маблағ ажратилди. Сармоялар ҳисобига олиб келинган замонавий ускуналар аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш имконини бермоқда.

Эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Марказий Осиёда ягона ҳисобланиб, у ерда эндокринологиянинг барча йўналишлари бўйича даволаш-ташхис ишларини олиб боради. Марказнинг устувор йўналишларидан эндокрин хирургия, йирингли хирургия, нейрохирургия бўлимлари бўлиб, бу ерда 22 хилдан ортиқ юқори технологик жарроҳлик амалиётлари амалга оширилади. Шунингдек, 2012 йил май ойидан бошлаб сурункали буйрак етишмовчилигининг терминал босқичдаги қандли диабет беморларга гемодиализ муолажалари ўтказилмоқда.

Марказ бошқармаси клиник бўлимлар шифокорлари ва марказ лабораториялари ходимларининг малакасини оширишга катта эътибор қаратган. Ҳар йили 280 нафардан ортиқ шифокорлар малакасини оширмоқда.

Малакали эндокринологлар тайёрлаш учун болалар эндокринологияси кафедрасида мамлакатимизнинг барча вилоятларидаги клиник ординаторлар ўқитилмоқда.

Шифокорлар малакасини ошириш мақсадида Марказ томонидан республикамизнинг вилоят ва шаҳарларида эндокринологиянинг долзарб масалалари мавзусида илмий-амалий конференциялар ўтказилмоқда.

Матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари ходимлари ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

**Аҳмаджон РИХСИБОЕВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ТИББИЙ МУАССАСАЛАРНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАЁТГАНИ АҲОЛИНИНГ РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ, ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА.

*Сариосиё тумани тиббиёт бирлашмаси таркибидаги туғуруқ мажмуаси ҳам «Саломатлик-2» лойиҳаси асосида замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Етмиш ўринли мажмуада туғиш ёшидаги аёлларни гинеколог кўригидан ўтказиш ва соғломлаштириш ишлари намунали йўлга қўйилган. Тиббий муассасанинг шифокор ва ҳамширалари репродуктив саломатлик, туғуруқлар оралиғини сақлаш, исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш, гўдакларни парваришлаш бўйича олиб бораётган тушунтириш ишлари ҳам ўз самараларини бермоқда.*

**Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎзА) олган сурат.**



**Пойтахтимиздаги «Қушбеги» болалар спорти мажмуасида пенчак силат бўйича Ўзбекистон чемпионати якунланди.**

## ЧЕМПИОНАТ ЯКУНЛАНДИ

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Шарқ яккакурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш маркази ҳамда Пенчак силат федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада икки юз нафардан зиёд спортчи куч синашди.

Комплекс машқларни бажариш бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасидаги баҳсларда барча олтин медаллар Тошкент шаҳри вакиллари – Элёрбек Алиев, Жалолиддин Орипов, Наргиза Сарсенбоева ҳамда Елизаветта Қодировага насиб этди.

Эркаклар ўртасида Игорь Ким, аёллар мусобақасида эса самарқандлик Ситора Бобокалонова шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Наманган вилоятлари вакиллари кучли учликдан жой олди.

Яккама-якка кураш бўйича эркаклар ўртасида пойтахтлик Элдор Набиев, самарқандлик Шерзод Абдуғаниев, Суҳроб Рўзиев, фарғоналик Аслиддин Турсунов, Сардор Солиев, наманганлик Икромжон Эгамбердиев, хотин-қизлардан пойтахтлик Дилноза Латипова, Светлана Балова, самарқандлик Гулруҳ Ҳасанова каби пенчак силат усталари шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Ушбу йўналишда энг кўп медаль жамғарган Самарқанд вилояти вакиллари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Пойтахтлик спортчилар иккинчи, наманганликлар эса учинчи поғонадан жой олди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

ЖАРАЁН

# ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

**2008 йилдан буён давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида республикамизда 2008-2012 йилларда, яъни охирги беш йилда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръати дунёдаги саноқли давлатлар қаторида 8,2 фоиздан кам бўлмаган даражани ташкил этди. Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 7,5 фоизга ўсди.**

Таъкидлаш жоизки, бу, энг аввало, Президентимиз раҳнамолигида иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш, унинг рақобатбардошлигини ошириш борасида амалга оширилаётган ишларнинг самарасидир.

Айтиш жоизки, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмлари муттасил юқори суръатларда ўсиши таъминланмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида ҳам унинг ўсиш суръатлари 6 фоизга ошди. Бунга саноат тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, рақобатбардош маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш дастурларини изчил рўёбга чиқариш орқали эришилмоқда. Бу жараёнда соҳага имтиёзли кредитлар ажратиш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарга бюджет-солиқ имтиёзлари бериш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш ҳамда маҳаллий маҳсулотларни ташқи бозорларга олиб чиқишга кўмаклашиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотига бўлган ички талабни рағбатлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши муҳим аҳамият касб этаётир.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси иқтисодиётдаги муҳим ва салмоқли ҳиссаси, ўрни билан тараққиёт ва фаровонликни таъминлашда алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу соҳа аҳолини иш билан таъминлаш, барқарор даромад манбаларини яратиш, истиқболли тармоқлар ривожида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Ҳозирги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 54 фоизи, ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 22 фоизи ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 98 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳиссасига тўғри келмоқда. Иш билан банд бўлган жами аҳолининг 75 фоиздан кўпроғи ушбу соҳада меҳнат қилмоқда.

Республикамизда амалга оширилаётган фаол инвестиция сиёсати ўзининг ёрқин самараларини бермоқда. Ўзбекистонда сўнгги беш йил мобайнида инвестицияларнинг йиллик ўсиш суръати 9 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда. Кўпгина давлатларни саросимага солиб қўйган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида бу барқарор ва юқори кўрсаткичдир. Юртимиздаги инвестициявий жозибадорликнинг ошиб бораётганини яна бир мисолда кўрамиз. Кейинги ўн йил давомида мамлакатимизга киритилган инвестициялар ҳажми 3,2 баробарга ошган, шу даврда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 20 баробардан зиёд ўсди.

Юртимиздаги қулай ишбилармонлик муҳити эса инвестициявий жозибадорликнинг асосий омилидир. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва юритишдаги жараёнларни либераллаштириш, соддалаштириш, ишбилармонларга қулайлик, имкониятлар яратиш, имтиёзлар бериш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Бу эса ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда. Жаҳон банки ҳисоб-китобларига кўра, 2012 йилда Ўзбекистон бизнесни юритиш бўйича рейтингда 14 ўрин юқорига кўтарилгани мисолида ҳам буни кўриш мумкин.

Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган бешта тамойил асосида босқичма-босқич амалга оширилаётган тараққиётнинг “ўзбек модели” нақадар тўғри ва мукаммал йўл эканлигини бугун ҳаётимизнинг ўзи кўрсатиб турибди. Мустақиллик йилларида мамлакатимиз иқтисодиёти 3,5 баробардан зиёд ўсгани, ўтган даврда ялпи ички маҳсулотнинг жон бошига 2,5 баробардан ошгани ҳам турмушимизнинг қанчалик яхшиланиб, фаровонлашиб бораётганидан далолат.

Президентимиз раҳнамолигида иқтисодиётни таркибий ва сифат жиҳатдан ўзгартириш, ишлаб чиқариш ва қайта ишлашни техникавий ва технологик янгилаш ҳамда модернизация қилиш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли чора-тадбирлар фаровонликни янада ошириш ва тараққиётни юксалтиришга хизмат қилади.

**Тимур РАҲИМОВ,**
**Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабаси.**

Жиззах Вилояти

▼ КИТОБ БАЙРАМИ

# МАДАНИЯТ ВА МАЪНАВИЯТИМИЗНИНГ ЮКСАК ИФОДАСИ

ШУ ЙИЛНИНГ 23-24 МАЙ КУНЛАРИ «АДАБИЁТГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАККА, МАЪНАВИЯТГА ЭЪТИБОР» ШИОРИ ОСТИДА РЕСПУБЛИКА «КИТОБ БАЙРАМИ» МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ, ИЖТИМОИЙ ТАДБИРИ БЎЛИБ ЎТАДИ.

Яқинда Ғаллаорол туманида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Жиззах вилояти ҳокимлиги, Халқ таълими бошқармаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган "Адабиёт фестивали" ҳам ана шу тадбирлар доирасида ташкил этилди. Унда Жиззах воҳаси, шунингдек, республикамизнинг олти вилоятидан келган қарийб 200 нафардан зиёд ёш ижодкор фаол иштирок этди.

Уни ўтказишдан асосий мақсад ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини ошириш, ижод вакиллари ва ўқувчилар ўртасидаги мулоқотни янада яхшилаш, Ўзбекистонни бой миллий адабиёти орқали дунёга тараннум этишда китобларнинг аҳамияти, миллий-маънавий қадриятларимизни асраб-авайлашда, ёш авлоднинг билим олиш, маънавий ва маърифий савиясини юксалтиришда китобнинг роли ва аҳамиятини кучайтиришдан иборат эди.



*"Китоб байрами" муносабати билан ташкил этилган кўргазмада иштирокчиларнинг китобга бўлган меҳри яққол намоён бўлди.*

Бу мақсад туман марказида кечган дийдорлашув онлари, қизғин мулоқот, "Китоб байрами" муносабати билан ташкил этилган кўргазмада янада ёрқинроқ намоён бўлди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Юртбошимиз раҳнамолигида халқимиз, айниқса, ёш авлод маънавиятини янада юксалтириш, уларни бой маданий меросимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлашди.

– Ушбу фестиваль фақат китоб байрами бўлибгина қолмасдан, бадиий ижод борасидаги устоз-шогирд анъаналарининг амалдаги кўриниши, маданиятимиз ҳамда маънавиятимизнинг ўзига хос тантанаси ҳамдир, – дейди Жиззах вилояти ҳокимининг ўринбосари, вилоят Хотин-қизлар қўмитасининг раиси, шоира Шаҳло Ахророва. – Ҳар бир ижодкор билим ва тафаккури билан адабиёт чаманига ўзгача оро беришга интилади ва шу эзгу ишга бутун иқтидорини сарфлайди. Сўзнинг қудратини, унинг жозибасию сеҳрини ҳақиқий ижодкоргина теран англайди ва унга ўзлигини бағишлайди. Мангу барҳаёт туйғуларга йўғрилган асарлар эса китобхоннинг онгу шуурига муҳрланиб, унинг кўнгил оламини нурафшон этишга, чин инсоний фазилатларни шакллантиришга хизмат қилади.

Тадбирда самимий мулоқотлар ўз-ўзидан мушоирага уланиб, шеър базми авжига чиқади. Бундан иштирокчиларнинг ҳам қалби жунбушга келади. Ватанга меҳри, элга садоқати ошади.

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси бош муҳаррири, шоир, публицист ва таржимон Саъдулла Ҳаким, "Қишлоқ ҳаёти" газетаси масъул котиби, шоир Муҳиддин Абдусамад, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси назм ва наср бўлими муҳаррири, шоир Шодмонқул Салом, "Ҳидоят" журнали бўлим муҳаррири, шоир Муҳаммад Сиддиқ, шунингдек, вилоятнинг бир гуруҳ кўзга кўринган ижодкорлари ўзларининг ижод намуналарини адабиёт мухлисларига улашди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими қошидаги "Сангзор" ва "Ғаллаорол овози" газетаси таҳририяти ҳузуридаги "Қақнус" ёш адабиётчилар тўгараги аъзолари ҳам фестивалда фаол иштирок этишди. Энг ёш иштирокчи, Жиззах шаҳридаги 22-сонли ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби ўқувчиси Ўткиржон Тотлибоев эса болаликнинг бетакрор манзаралари акс этган шеърий машқлари билан кўнгилларни мунаввар айлади.

Эрталабдан бошланган адабиёт байрами тумандаги Саъд ибн Абу Ваққос зиёратгоҳида давом этди. Истиқлол шарофати билан қайта таъмирланган зиёратгоҳ шу куни юзлаб зиёратчилар ҳамда адабиёт ихлосмандларини ўз бағрига олди.

"Адабиёт фестивали" миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизнинг ҳам ўзига хос кўригига айланди. Келин саломлар, халқ термалари, ёр-ёрлар тадбир иштирокчилари қалбига ўзгача руҳ ва ҳаяжон бағишлади. Сирасини айтганда, Жиззахда бўлиб ўтган "Адабиёт фестивали" халқимизнинг бой адабий меросимизга бўлган ҳурмати чексиз эканлигининг яна бир бор намойиши бўлди.

**Жўра МАМАТҚУЛОВ**

*М.РАҲМАТОВ олган сурат.*

---

Қашқадарё Вилояти

▼ ТАЪЛИМ

**Бундан етти йил муқаддам замонавий бинода ўз фаолиятини бошлаган академик лицейимизда нафақат Қарши шаҳри, шу билан бирга, вилоятимизнинг барча туманларидан келган ёшлар илм-фан сирларини эгалламоқдалар. Ўтган давр мобайнида лицейимизни 1,5 минг нафардан ортиқ ёшлар тамомлаб, улар Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қарши шаҳарларидаги олий ўқув юртларида ўқишни давом эттирдилар. Айни пайтда улар турли тармоқларда самарали меҳнат қилишмоқда. Биргина 2012 йилда академик лицейимизни 181 нафар ўқувчи тамомлаб, уларнинг 60 фоиздан ортиғи олий ўқув юртларига талабаликка қабул қилинди.**

# БАРКАМОЛ АВЛОД БУЮК ИШЛАРГА ҚОДИР

■ **Актам РАҲИМОВ,**
*Қарши давлат университети қошидаги 4-академик лицей директори, педагогика фанлари номзоди.*

Академик лицейимиз ахборот-кутубхона марказидаги 6500 га яқин турли адабиётлар ҳамда электрон дарслик ва маъруза матнлари ўқувчилар ихтиёрида. Ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг Интернет тармоғидан фойдаланишлари учун барча қулайликлар яратилган.

Ўқув даргоҳимизда 22 та умумтаълим фан тўгараклари ташкил этилган бўлиб, уларда 465 нафар ўқувчи ўз қизиқишлари бўйича иштирок этмоқда. Шундан олтитаси спорт тўгараклари бўлиб, жисмоний тарбиянинг оммабоп ва қизиқарли турларини қамраб олган. Эътиборлиси, тўгарак аъзоларининг 200 нафарга яқини қизлардир. Тўгарак машғулотлари ўқувчиларнинг дарсдан ташқари бўш вақтларини мазмунли ўтказишда асқотмоқда.

Педагогик жамоамизда малакали, катта тажрибага эга устозлар кўпчиликни ташкил этади. Яқинда 68 нафар педагогик ходимимиздан 24 нафари республика тест марказида тоифа олишга муваффақ бўлди.

Ўқитувчиларимиз ўз илмий салоҳиятини ошириш мақсадида тадқиқот ишларини ҳам олиб бормоқдалар. Улар томонидан қатор илмий-услубий рисола ва мақолалар яратиляпти. Тарих фани ўқитувчиси Баҳодир Насимов 2000 йилда АҚШнинг Калифорния штатидаги Квенси коллежида уч ойлик малака ошириш курсини тамомлади. Рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Дилором Одилова ҳам океанорти давлатида малака ошириб қайтди. Шу билан бирга, 2012 йилда педагогик жамоамиз сафига Тошкент, Қарши шаҳарларидаги олий ўқув юртларини тамомлаган ёшлар келиб қўшилди.

Давлатимиз раҳбарининг хорижий тилларни ўрганиш бўйича қабул қилган қарори ижроси бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Академик лицейимиздаги ўн нафар хорижий тил ўқитувчилари ўз билим ва малакаларини янада ошириб, ўқувчиларга илм улашмоқда.

---

Бухоро Вилояти



# АМАЛИЁТДАН ДОИМИЙ ИШГА

**Муҳаммад Ҳусаинов ўтган йили Олот туманидаги политехника ва сервис касб-ҳунар коллежини тугатди. У битирув олди амалиётини тумандаги "Обид оташ қурилиш" хусусий корхонасида ўтади. Амалиёт даврида ўзининг ишчанлиги, касбига бўлган қизиқиши билан корхона раҳбариятида яхши таассурот қолдирди. Шу боис, Муҳаммадни корхонада доимий ишлашга таклиф этишди.**

— Корхонамизда 8 турдаги қурилиш маҳсулотлари, хусусан, йўлаклар учун мўлжалланган плита ва брусчаткалар ишлаб чиқарилади, — дейди корхона раҳбари Отабек Обидов. — Муҳаммадга ўхшаган ёш мутахассисларга эҳтиёжимиз бор. Жорий йилда ҳам яна икки нафар коллеж битирувчиси учун янги иш ўрни ҳозирлаб қўйганмиз.

Корхонанинг қишлоқ ҳудудида жойлашгани, бу ерда меҳнат қилиш ва ёш мутахассисларнинг ўз малакаларини оширишлари учун етарли шарт-шароитлар мавжудлиги кўпчиликка манзур бўлмоқда.

**Ҳамроз АЛИ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Наманган Вилояти

# АЖОЙИБ ИШБИЛАРМОН


Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

**УЙЧИЛИК ФЕРМЕР ТОЛИБЖОН МЎМИНОВ ХЎЖАЛИГИДА ҚЎШИМЧА ТАРМОҚ СИФАТИДА ҚУЁНЧИЛИККА ҚЎЛ УРГАНИДА, КЎПЧИЛИК УНИ МАШҲУР «АЖОЙИБ ХАЁЛПАРАСТ» ФИЛЬМИДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ БАХТИЁР ИХТИЁРОВ ИЖРО ЭТГАН ҲАСАН ДЎХТИР РОЛИГА МЕНГЗАБ, БУ ИШИНГ ХОМХАЁЛ, УНДАН КЎРА, ДЕҲҚОНЧИЛИГИНГНИ ҚИЛАВЕРМАЙСАНМИ, ДЕЙИШГАНДИ. АММО ФЕРМЕР АҲДИДАН ҚАЙТМАЙ, МАҚСАДИГА ЕТДИ. УШБУ ТАРМОҚ ҲАМ СЕРДАРОМАД ЭКАНЛИГИНИ ВА ЎЗИНИНГ «АЖОЙИБ ХАЁЛПАРАСТ» ЭМАС АЖОЙИБ ИШБИЛАРМОНЛИГИНИ ИСБОТЛАДИ.**

Толибжон Мўминов 2001 йили "Тола" фермер хўжалигини ташкил этиб, 31 гектар майдонда деҳқончилик ишларини бошлаган. Ўтган йилларда мамлакатимизда фермер хўжаликларининг иқтисодий ва молиявий мустақиллиги учун мустаҳкам ҳуқуқий асослар ва кафолатлари яратиб берилганлиги, Президентимиз томонидан фермерлик ҳаракати ҳар тарафлама қўллаб-қувватланаётганлиги Толибжон Мўминов раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги аъзоларини ҳам янада улкан мақсадлар сари дадил одимлашга ундади. Фермер хўжалигининг ер майдони 92,6 гектарга кенгайди, техникалари кўпайди. Йилдан-йилга ҳосилдорлик ошиб, даромад ортди. Хўжалик аъзоларининг моддий манфаатдорлиги юксалди, меҳнатга муносабати тубдан ўзгарди.

— Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони фаолиятимизни янада ривожлантиришда айни муддао бўлди, — дейди фермер. — Фармон кўп тармоқли хўжаликларни ривожлантиришнинг истиқболли йўлларини белгилашимизда дастуриламал бўлди. Биз ҳам хўжалигимизни янада кенгайтирдик. Ҳозирда дала шийпонимизда 60 бош қорамол ва қўй, 100 бошга яқин товуқ, ғоз ва ўрдак боқиляпти. Энди қуёнчиликка келсак, бу ниҳоятда нозик ҳамда самарали тармоқ экан. Дастлаб ишни худди "Ажойиб хаёлпараст"даги Ҳасан дўхтирга ўхшаб бир неча жуфт қуён боқишдан бошладик. Ҳозир хўжалигимизда 130 бош қуён бор. Қуёнчилик билан шуғулланаётганлигимизни эшитган ҳамқишлоқларимиз, қўшни тумандардан келган ишқибозларга 200 бош қуён сотдик. Қуёнчиликни ўтган йили Уйчи қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежини тугаллаган Бекмурод Аҳмедовга ишониб топширганмиз. У ишончимизни оқлаяпти.

Хўжалигимизнинг юксалишида Жўрахон Дадабоев, Носир Исматов, Соҳиба Ҳамидова, Насиба Қаҳҳорова, Матлуба Якуббоева сингари жонкуяр аъзоларимиз меҳнатлари катта.

Хўжалигимиз ҳисобидан туман марказида икки қаватли дўкон қуряпмиз. Қурилиш ишлари битгач, бу дўконда асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдоси йўлга қўйилади.

Аҳамиятли томони шундаки, Толибжон Мўминов нафақат қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, уларни қайта ишлашни ҳам йўлга қўйишни режалаштирмоқда. Қолаверса, хўжалик ихтиёридаги юк ташиш автомашинаси ҳамда автобус фермер хўжалиги аъзолари, ҳамқишлоқларга транспорт хизматини ҳам кўрсатмоқда.

Фермер маҳалласидаги кам таъминланган, кўп болали оилаларга ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам бериб келяпти. Шунингдек, уларга боқиш учун қуён, товуқ тарқатиб, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга ҳам сабабчи бўлмоқда.

**Аҳмаджон РИХСИБОЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

## «МЕН ҚУЁН ЭМАС, ҚУШ БОҚАМАН»



"Ажойиб хаёлпараст" фильмидаги қаҳрамон – Ҳасан ролидан сўнг баъзан одамлар келиб, қуённи қандай боқса бўлади, деб роль ижрочиси Ўзбекистон халқ артисти Бахтиёр Ихтиёровдан маслаҳат ҳам сўрашар экан. Баъзан эса ўша ишингизни ҳали ҳам давом эттиряпсизми, дейишаркан.

— Мен қуён эмас, қуш боқаман, десам ҳам ишонишмайди, — дейди у. — Қуёнчилик ҳақиқатан ҳам сердаромад тармоқ. Агарда Ҳасан дўхтир ўша фильм суратга олинган даврда эмас, ҳозир қуёнчилик билан шуғулланганда, албатта, бой бўлиб кетарди.

### БИР ЙИЛДА ЙИГИРМАТАГА ЕТАДИ

Қуён йилига тўрт-беш марта болалайди. Ҳар бирида 4-12 тагача туғади. Агар яхши парвариш қилиниб, 70-80 та она қуёнга 9-10 та наслли эркак қуён нисбатида боқилса, бир бош қуёндан ўртача 25-30 тагача бола олиш мумкин. Шундан 90-95 фоизи сақлаб қолинади. Янги туғилган урғочи қуёнлар 4-5 ойда она қуёнга айланади. Умуман олганда, бир бош она қуён ҳисобига (3,5 килограммдан гўшт қилганда) йилига 87,5 килограммдан 105 килограммгача (25-30 бошга нисбатан) парҳез гўшт етиштириш имкони бор. Тирик вазнидан ташқари соф 10-15 килограммгача тош босадиган наслли қуёнлар маҳсулдорлиги эса янада юқори бўлади.



### ТЕЗ КЎПАЯДИ, АММО ПАРВАРИШИ НОЗИК

Қуён захни яхши кўради. Шундай жойда тез ривожланади. Улар ортиқча иссиқ ва димиқишга чидамсиз жонивор. Парваришда бу нарса жуда муҳим. Шу боис, қуёнларни махсус тайёрланган қуёнхоналарда боқиш зарур. Уларни сақлашда ҳам турларга ажратиш зарур. Масалан, ёш қуёнлар, болалаган қуёнлар, туғиш арафасидаги қуёнлар, гўшт учун боқилаётган қуёнлар... Қолаверса, ушбу нозик жониворлар касалликка тез чалинади. Шу сабабли, ветеринарлар билан тез-тез маслаҳатлашиб туриш лозим.

### НАФАҚАТ ГЎШТ, БАЛКИ МЎЙНА ВА ТИВИТ

Қуён гўшти парҳез таом сифатида парранда гўштига тенглаштирилади. Унда инсон организми учун кўплаб фойдали элементлар бор. Териси мўйна саноати учун муҳим хомашё ҳисобланади. Гўшт ва тери учун боқиладиган ҳар бир бош она қуёндан йилига 20 тадан зиёд бола, яъни йилига 50 килограмм гўшт ва 20 донадан зиёд тери олиш мумкин. Кузги туллашдан кейинги даврда – асосан қишда олинган тери энг сифатли ҳисобланади. Қуён тивити иссиқлик ўтказувчанлик жиҳатидан меринос қўйлари жунидан қолишмайди. Ундан трикотаж, фетр, духоба ва бошқа маҳсулотлар тайёрлашда ишлатилади. Тивит учун боқиладиган ҳар бош қуёндан йилига 350-700 грамм маҳсулот олиш мумкин.

НаВоий Вилояти

ИМКОНИЯТ

# ШЎРКЎЛДАН ХУШТАЪМ БАЛИҚЛАР

Бугунги кунда иқтисодиётни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларисиз тасаввур этиш мушкул. Зеро, мазкур соҳа оилавий даромад манбаи, фаровон турмуш кафолати ва катта имкониятлар омилидир. Бошқача айтганда, эндиликда тадбиркорлик одамларнинг ижодий ва интеллектуал қобилиятини юзага чиқарувчи восита сифатида намоён бўлмоқда. Кармана туманидаги «Шўркўл Тўмарис» фермер хўжалиги фаолияти бунга яққол мисол бўла олади.

– 2008 йилда 40 гектар ер олиб, балиқчилик ва паррандачиликни йўлга қўйдик, – дейди фермер Сайёра Шомуродова. – Фарғона вилоятидан ўша йили 1000 дона ўрдак олиб келиб, кўлда кўпайтиришни бошладик. Улардан 500 тасини маҳалладаги кам таъминланган оилаларга бердик. Ўтган йили Шўркўлдан 15 тонна балиқ олинди. Асосан кўлимизда сазан, судак балиқлари мавжуд. Уларнинг ҳар бири ўртача 2-2,5 килограмм вазнга эга. "Миллий банк"нинг туман филиалидан 100 миллион сўм кредит олдик. Кармана туманидаги Янгиариқ қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги 3,5 гектар ташландиқ ердан фойдаланиб, ҳовуз қазидик. У ерга 800 килограмм балиқ чавоқлари ташлаган эдик. Ҳозирги кунда 5 тоннадан ортиқ балиқ олишни кўзлаб турибмиз.

Дадил қадамлар билан бораётган Сайёра Шомуродова "Ташаббус — 2013" кўрик-танловининг туман босқичида иштирок этиб, 1-даражали Диплом билан тақдирланди. Вилоят босқичида эса "Энг яхши табдиркор аёл" номинациясида ғолиб бўлди. Фермернинг ўғли Музаффар Ҳайитбоев тадбиркор. У айни кунда "Маҳлиё Кармана гўзали" МЧЖ қошида каштачиликни, паррандачиликни ривожлантириб, янги иш ўринларини яратяпти. Бу ерда 5 киши иш билан таъминланди.

М.Ҳайитбоевнинг келгусидаги режалари улкан. У тикувчилик фабрикасни очиш ва у ерда касб-ҳунар коллежларини битирган ўғил-қизларни иш билан таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Сайёра Шомуродова ва ўғли Музаффар Ҳайитбоевлар Юртбошимиз ташаббуси билан иқтисодий ҳаётимизга кенг татбиқ этилган кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик учун яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб келмоқда.

**Азимжон ХУШВАҚОВ**

# «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2013 йил 26 июнь куни соат 10:00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари ва тиркамалар қўйилмоқда: Қўштепа тумани СИБ томонидан ЖИБ Фарғона шаҳар судининг 21.01.2013 йилдаги 1-52 сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Қўштепа тумани Бахмал кўчаси 4-уйда сақланаётган, 2009 й. и/ч “Матиз” русумли, ранги жигарранг, д/р 40 Z 604 DA, бошланғич баҳоси 17 000 000 сўм; Қувасой шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Қувасой шаҳар судининг 23.09.2013 йилдаги 1-90-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Қувасой шаҳридаги 9229Д-сонли ҳарбий қисмда сақланаётган, “Москвич 2137” русумли, д/р 15 I 9628, таъмирталаб, бошланғич баҳоси 630 018 сўм; Олтиариқ тумани СИБ томонидан ФИБ Риштон туманлараро судининг 12.09.2013 йилдаги 1-1252/12-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, “12-Автокорхона” МЧЖда сақланаётган, 1987 й. и/ч “Камаз 5320” русумли, ранги ҳаворанг, д/р 15 AN 277, таъмирталаб, бошланғич баҳоси 28 335 411 сўм; Фарғона шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Фарғона тумани судининг 25.01.2013 йилдаги 2013-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Фарғона вилояти ИИБда сақланаётган, 1998 й. и/ч “Нексия” русумли, ранги оқ, д/р 70 P 696 DA, таъмирталаб, бошланғич баҳоси 21 000 000 сўм; Фарғона шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Фарғона шаҳар судининг 11.03.2013 йилдаги 1-142-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, “Фар Миразизбек Инвест” МЧЖда сақланаётган, 1996 й. и/ч “Тико” русумли, ранги оқ, д/р 15 A 8754, таъмирталаб, бошланғич баҳоси 11 863 391 сўм; Фарғона шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Фарғона тумани судининг 06.02.2013 йилдаги 50-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган “Фарғона Терминал савдо” Х/Кда сақланаётган, “Мерседес Бенс” русумли, д/р 40B 227AA, таъмирталаб, бошланғич баҳоси 8 159 886 сўм; Фарғона шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Фарғона шаҳар судининг 14.02.2013 йилдаги 1-74-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Фарғона шаҳар ИИБ ЙҲХБ жарима майдонида сақланаётган, 1996 й. и/ч “Тико” русумли, ранги оқ, д/р 40 G 584 AA, таъмирталаб, бошланғич баҳоси 4 361 827 сўм; Қўштепа тумани СИБ томонидан ЖИБ Қўштепа тумани судининг 17.08.2012 йилдаги 1-135-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, 1973 й. и/ч “Ваз 2101” русумли, ранги оқ, д/р 15 E 2661, бошланғич баҳоси 2 520 000 сўм; Қувасой шаҳар СИБ томонидан Фарғона вилоят хўжалик судининг 03.05.2012 йилдаги 15-12-09/7520-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган: 1988 й. и/ч “Камаз 5410” русумли, ранги қизил, д/р 15 AO 087, бошланғич баҳоси 15 709 600 сўм; 1988 й. и/ч “Одаз 9870” русумли, ранги кулранг, д/р 15 D 426, бошланғич баҳоси 3 124 400 сўм; 1989 й. и/ч “Зил 441510” русумли, ранги ҳаворанг, д/р 15 AH 006, бошланғич баҳоси 10 366 000 сўм; 1989 й. и/ч “ТЦ-10” русумли цементавоз, ранги кулранг, д/р 15 A 411, бошланғич баҳоси 7 300 000 сўм.

Мазкур мулклар ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда, мулкларни сотиш бўйича такрорий савдо 11 июль куни соат 10:00 да бўлиб ўтади. Ушбу мулклар учун закалат тўловлари бошланғич баҳосининг 30 (ўттиз) фоиз миқдорида белгиланди.

